

Касб таълимига тизимли ёндашув усулини қўллашнинг баъзи бир муоммалари

Сўнгги йилларда педагогика соҳасида жараёнларни тадқиқ этишда тизимли ёндашув муҳим роль ўйнамоқда. Чунки тизимли ёндашув илмий билишнинг даражасини етарли даражада кенгайтириш, илмий билимларни кенг миқёсда синтезлашга эришиш ҳамда ўрганилаётган ҳодиса ва объектлар ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бунга эса муайян бир тадқиқот объектга фаннинг турли хил соҳаларида қўлланиладиган мантиқий ва методологик воситаларни тадбиқ этиш орқали эришиш мумкин.

Бу ёндашув моҳиятини чуқур англаш учун эса энг аввало “тизим” тушунчасини таҳлил этиш лозим. Тизим ўз ичига ўзаро бир-бири билан боғланган объектларнинг яхлит мажмуасини олади.

Тизим материалли объектлар, терминлар, белгилашлар ва бошқалардан ташкил топиш мумкин.

Тизим тадқиқотнинг муайян босқичида структуралашмаган деб ҳисобланувчи элементлардан ташкил топади. Тизимдаги элементлар ва алоқалар тадқиқ этилаётган тизим тузилмасини шакллантириб муайян кетма-кетликда бўлади.

Тизимни ўрганиш унинг тузилмаси ва элементлар ўртасидаги алоқаларни тадқиқ этиш ва уларнинг яхлит тизим характериға таъсирини аниқлашдан иборат.

Тизимни яратиш ва тадқиқ этиш воситалари ва методларини ишлаб чиқиш билан тизимли таҳлил шуғулланади. Тизимли таҳлил, деганда мураккаб объектларни, яъни ўзаро бир-бири билан алоқадор бўлган элементларнинг мураккаб мажмуасини ўз ичига олган тизимларни ўрганиш учун мўлжалланган усуллар ва методлар мажмуаси тушунилади.

Тизимли ёндашув усули ёрдамида турли хил элементлар тўпламидан ташкил топган объектларни яхлит тадқиқ этиш мумкин.

Педагогиканинг бошқа соҳалари каби касбий таълим педагогикасида ҳам тадқиқот объектлари, худди шунингдек, қандайдир педагогик мақсадга эришиш йўллари ва усуллари алоҳида элементлари бир-бири билан ўзаро алоқадорлик

ва ўзаро боғлиқликда бўлган мураккаб тизимни ифодалайди. Чунки, бугунги замонавий касб таълими мутахассиси техник чизмаларни ўқий олиши, схемалар бўйича ишлай олиши, жиҳозларни бошқара олиш ва уларни таъмирлай олиши, носозликларни бартараф эта олиш, ҳисоб – китоб ишларини бажара олиш ва бошқа шу каби бир қатор кўникмаларга эга бўлиш керак.

Бу қайд этилган компоненталар алоҳида элементлари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган замонвий касбий таълим тузилмасини ташкил этади.

Ю.К. Бабанский педагог тадқиқотчиларнинг ўқитиш метод ва воситаларини танлашга нисбатан ишлаб чиққан талабларни таҳлил этиб, бу талабларнинг яхлитлиги фақат ўқитишга тизимли ёндашув асосида таъминланиши мумкинлиги қайд этган. Бунда талаблар ўқитиш тамойилларидан келиб чиққан ва ўқитиш жараёнининг барча компоненталарини (мақсад, мазмун, восита, кутилаётган натижа ва ташқи шароит) қамраб олган бўлиши лозим. Ю.К. Бабанский хулосасига кўра ўқитишнинг оптимал тузилмасини танлашга қўйиладиган методологик талаб ўқитиш жараёнининг барча асосий компоненталарини яхлит қамраб олишдан иборат бўлиши керак. Ўқитиш тузилмасига бундай тизимли, яхлит ёндашув ўқитиш методларини танлашга бир томонлама ёндашувнинг олдини олади ва уларни ўқитиш метод ва воситаларини асосли танлашга йўналтиради.

Агар тадқиқот объекти ўқувчи бўлса у ҳолда тадқиқотчи яхлитлик, ўзаро алоқадорлик ва ўзаро муносабатлар биологик, психологик ва социал хусусиятларида намоён бўладиган шахсларнинг мураккаб тизими билан иш кўришга тўғри келади. Бунда ўқувчининг ёш ва жинс хусусиятлари, темпераменти ва бошқалар ҳисобга олиниш керак.

Агар тадқиқот объекти сифатида ўқитиш мазмунини тадқиқ этишга имкон берувчи методлар ва воситалар қаралса тадқиқотчи яна ўқитиш воситалари ва усуллари ўзаро узвий боғланган ва бир-бирига боғлиқ ҳамда танлашда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари эътиборга олиниши лозим бўлган тизимлар билан иш кўришга тўғри келади.

Демак, педагогик жараён кўп томонли жараён. Уни қандайдир бир фан ва битта тадқиқот методи билан назарий жиҳатдан синтезлаш мумкин эмас. Шунинг учун педагогикада методлар тўплами ҳақида фикр юритилади. Бу айниқса ўқув- тарбия жараёнининг самарадорлиги ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиш дидактика, умумий, муҳандислик ва меҳнат психологияси, социология ва бошқа шу каби фанлар қонуниятлари ва методларидан фойдаланишга тўғри келадиган касбий таълим педагогикасига таалуклидир. Фаннинг бу соҳаларида бир вақтда ёки кетма-кет қўлланиладиган методлар касбий таълим педагогикасида умумий мақсадга олиб келувчи ўзининг муайян топшириқларини бажаради. Шунини таъкидлаш керакки, бошқа фанлар методлари касбий таълим педагогикасига тайёр ҳолда кўчириб ўтказилмайди. Улар касбий таълим педагогикасининг специфик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда мослаштирилади ҳамда тадқиқот объекти ва масаласига мос ҳолда уларни тўлдириш ҳамда қайта ишлаш керак.

Бошқа фанларда қўлланиладиган методларни ижодий тўлдириш ва улардан илмий билишда мақсадли фойдаланишгина касбий таълим педагогикасида вужудга келадиган мураккаб тизимларни муваффақиятли тадқиқ этиш имконини беради.

Касбий таълим педагогикаси бўйича тадқиқот мажмуавий характерда бўлиши керак. Фақат шу ҳолдагина касб –ҳунар таълимини ўрганиш жараёнида олға силжиш ва уни такомиллаштиришга эришиш мумкин. Бу эса касбий таълим педагогикаси тадқиқот соҳаларига тизимли ёндашув тамойилларини қўллаш зарурлигини кўрсатади. Шуларни эътиборга олиб, С.Я. Батўшев ҳозирги вақтда педагогик тадқиқотларда тизимли ёндашув жуда кам қўлланилаётганлигини ва тизимли объектларни ўрганишнинг махсус методларини ишлаб чиқиш зарурлигини, касбий таълим педагогикасига хос бўлган хусусий тизимли концепция ва назариялар қуришга тизимли тадқиқот методологиясини яратиш вақти келганлигини алоҳида таъкидлаган.

Тизимли ёндашув педагогик тадқиқотлар умумий схемасини ва тузилмасини бузмайди ва амалда синалган асосий методларни йўққа чиқармайди ҳамда тадқиқот методларига ҳеч қандай янгилик киритмайди.

Бинобарин касбий таълим педагогикасида фаннинг бошқа соҳаларида қўлланиладиган методлар мажмуавий фойдаланилиши керак.

Педагогик тадқиқотларда тизимли ёндашувни амалга ошириш босқичлари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, унинг умумий схемаси қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1) мавжуд тажрибалар ёки аввалдан аниқланган қонуниятлар асосида тадқиқот объекти таърифланади;

2) тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объектни ўрганиш учун мезонлар аниқланади;

3) объектни характерловчи мавжуд элементлар қайд этилади;

4) тизимнинг чегаралари белгиланади ва унинг дастлабки тузилиши аниқланади;

5) объект элементларининг ташқи алоқалари ўрнатилади ва синфланади;

6) объектни ташкил этувчи ҳар бир элемент хусусияти ўрганилади;

7) ташқи алоқалар мажмуаси асосида тизимнинг муҳит билан ўзаро алоқадорлик тамойиллари аниқланади;

8) тизим элементларининг ривожланиш ва ўзгариш қонуниятлари аниқланади;

9) тизим элементлари ўртасидаги асосий сабаб-оқибат алоқалар ажратилади;

10) тизимнинг якуний тузилмаси аниқланади ва шу асосда унинг модели тузилади;

11) тизим характерининг асосий тамойиллари таҳлил этилади;

12) тизимни бошқариш жараёни ўрганилади.

Тизимли таҳлилнинг бу босқичларини касбий таълим мазмунини таҳлил этиш мисолида қараб чиқамиз. Бунинг учун дастлаб касбий таълим мазмунининг аниқ таърифи берилади. Замонавий касбий таълим мазмунини

ташкил этувчи энг муҳим элементлар белгиланади. Бундай элементлар бўлиб, интеллектуал ва касбий билим ва кўникмалар, ижодий фаолият характерлари, хулқий ва дунёқараш сифатлари тизимлари ҳисобланади. Шундан сўнг таълим қайд этилган компоненталар ўртасидаги алоқалар аниқланади. Масалан, талабанинг меҳнатга муносабати, у ишлаётган ва ўқиётган жамоага, унинг касбий билим ва кўникмаларни тез ўзлаштириши эса умумий ва махсус қобилиятларига боғлиқ.

Сўнгра тизимнинг ҳар бир элементи батафсил таҳлил этилади. Масалан, ҳар бир гуруҳ касб-ҳунар учун аниқ касбий билим, кўникма ва малакалар қандай бўлишини очиш керак. Сўнгра тизимнинг муҳит билан ўзаро таъсир тамойиллари аниқланади.

Шундан сўнг касбий билим, кўникма ва малакалар тизимида вужудга келадиган ўзгаришлар аниқланади. Масалан, фан-техника ва технологиялар тараққиёти туфайли касбларни ўзлаштиришдаги назарий ва амалий билимларнинг ўзаро муносабати ва мазмунида муҳим силжиш рўй беради ҳамда талабанинг ақлий фаоллиги ва мустақиллиги ошади.

қайси компоненталар ва уларнинг нисбатлари ўқув-тарбиявий жараёнда керакли мақсадга эришишни яхши таъминлаши аниқланади. Сўзсиз бундай компоненталар бўлиб, талабаларнинг политехник дунёқарашини кенгайтириш, уларга чуқур умумтаълим билим ва кўникмаларни бериш ҳисобланади.

Сўнгра тавсифий, белгили ёки математик моделлар ёрдамида тизим тузилмаси аниқланади ва касбий таълим мазмунидаги ўзгаришларнинг муҳим сабаблари таҳлил этилади.

Касбий таълим мазмуни тизимини бошқариш ўқув режа ва ўқув дастури, дарсликлар, ўқув-методик адабиётлар, ўқитишнинг компьютерли технологиялари, кўргазмали материаллар ёрдамида амалга оширилади.

Касбий таълим мазмуни тизимини бошқариш махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш усталари малакаларини ошириш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Чунки, улар тизимга киритиладиган янги элементларни

ўзлаштиришнинг методлари ва методик усуллари ўз вақтида сифатли ўзлаштириши лозим.

Бугунги кунда тизимли ёндашув касбий таълим педагогикасининг қуйидаги соҳаларида қўлланилмоқда:

- 1) касбий таълим педагогикаси предметларини мажмуавий илмий фанлар сифатида қуриш ва асослаш;
- 2) мутахассисликлар бўйича касбий таълим мазмунини башорат қилиш;
- 3) узлуксиз таълим тизимида касб-ҳунар таълимини ривожлантириш;
- 4) умумий ўрта таълим мактабларидаги меҳнат таълими ва касб-ҳунар коллежларидаги касбий таълимнинг узвийлигини таъминлаш;
- 5) касбий тайёргарликда таълим ва тарбия жараёнларининг органик ўзаро алоқадорлигини аниқлаш;
- 6) касб-ҳунар таълими бўйича ўқув режа ва дастур ишлаб чиқиш;
- 7) касбий тайёргарлик бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва ўқув кўргазмалари материалларни таҳлил этиш;
- 8) ўқитиш жараёнини оптималлаш;
- 9) талабалар жамоасини ўрганиш;
- 10) касбий тайёргарлик бўйича фанлараро алоқадорликни таъминлаш тамойиллари ва воситаларини ишлаб чиқиш.

Булардан кўриниб турибдики, тизимли ёндашув касбий таълим педагогикаси муаммоларини турли жиҳатдан тадқиқ этишга имкон беради.

Бугунги кунда тизимли ёндашув масаласини ҳал этиш муҳим назарий аҳамиятга эга бўлиши билан бир қаторда уни амалиётга қўллашга бўлган эҳтиёж тобара ортиб бормоқда.

Таълим самарадорлигини ошириш мақсадида тизимли ёндашув усулидан фойдаланиш тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, у нафақат таълим-тарбия жараёнини тадқиқот қилиш усули, айти вақтда, уни такомиллаштириш усули сифатида ҳам қўлланилмоқда.

Лекин, ҳозирги вақтда тизимли ёндашув усули, юқорида таҳлил қилинган даражада бизнинг педагогларимиз фаолиятида таълим-тарбия жараёнини

модернизациялашда фаол қўлланиладиган турли шаклдаги методлар сифатида аниқлаштирилгани йўқ. Бир қатор тараққий этган мамлакатларнинг педагогик тадқиқотларида тизимли ёндашув соҳасидаги илмий изланишлар асосан таълим муассасалари ва педагог ходимлар фаолиятини намоён бўлишини асословчи ўзига хос шарт-шароитларнинг меъёрий кўрсаткичлари билан якунига етказилган. Аниқлаштирилган тизимли ёндашув усули, таълим тизими ходимлари учун таълим муассасаларини такомиллаштиришнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, моделлаштириш жараён сифатида таълим назариясида ва амалиётида тизимли ёндашувни жорий қилишнинг муҳим таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Тизимли ёндашув асосида моделлар тузиш тамойиллари хилма-хил бўлиб, улар орасида тизимли ёндашувни амалга оширишни ифода этувчи қуйидаги уч хилини кўрсатиш мумкин.

Биринчиси ижтимоий-педагогик даражада кенг қўлланилиши мумкин бўлган кўп омилли модел бўлиб, у таълим муассасаларини ислоҳ қилишда инобатга олинishi зарур бўлган турли даражадаги, қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- индивидуал тартибдаги омиллар-ўқувчилар, уларнинг ижтимоий келиб чиқиши, улар тарбияланадиган оиланинг таркиби, жинсий фарқлари, ақлий фаолияти ва ўқишга муносабати;

- таълим муассасаси даражасидаги омиллар-ўқув муассасаси ва ўқув хонасининг материали-техник таъминоти, педагоглар жамоаси ўртасидаги, ўқитувчилар билан маъмурият ўртасидаги муносабатлар;

- таълим муассасасидан ташқаридаги омиллар;

- миллий даражада таъсир қилувчи омиллар-оммавий ахборот воситалари, таълим жараёнига таъсир этувчи қонунчилик муассасалари.

қуйидаги икки хил кўринишдаги модел бевосита педагогик муоммаларни тадқиқ этишга оиддир.

Иккинчиси-кибернетик модель бўлиб шу турга хос бўлган қуйидаги таркибий қисмлардан иборат: киритиш, чиқариш, жараён, тескари алоқа, муҳит

ва бошқалар.

Учинчиси-босқичли модель. Бу турдаги моделларда бир нечта босқич мужассамлашган бўлиб, керакли бўлган натижани олиш учун изчил равишда барча босқичларни босиб ўтиш шартдир. **Х. Лителл** ва **Ж. Бейлилар**-ўқув дастурини такомиллаштиришнинг қуйидаги саккиз босқичли моделини таклиф этган:

-таълим муассасаси маъмурияти фаолиятининг бошланғич босқичини, ўқув дастурларини такомиллаштириш масалаларига оид мақсад ва вазифаларини белгилашни ташкил этиш;

-ҳар бир ўқув фанини ўқитиш мақсадларини, ишлаб чиқиш ва уларни таълим муассасасининг вазифалари билан уйғунлаштириш. Бу мақсадлар ўз табиатига кўра кенг ва чексиз бўлиши мумкин:

-қайси вақт мобайнида нималарни ўрганиш зарурлигини белгилаб берувчи ўқув режаларини тузиш;

-ҳар бир фан бўйича таълим олувчининг эга бўлиши шарт бўлган кўникма ва малакани белгилаш;

-маъмурият ва ўқитувчилар учун ўқув дастури шарҳини (қўлланмаси) тузиш. Шарҳ қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши керак: қўлланманинг вазифалари, таълим муассасасининг мақсади, таълим методлари, таълим мақсади, мазмуни ва воситалари, билим, малака ва кўникмаларни баҳолаш ва ҳ.к;

-таълим мақсадини белгилаш, яъни фан ўқитувчиси томонидан ҳар бир таълим олувчи мунтазам равишда ўқув йили давомида эга бўлиши лозим бўлган билимлар, кўникма ва малакасининг даражасини белгилаш;

-ўқув дастурининг самарадорлигини баҳолаш. Бу мақсадда ўқувчилар билим даражасини баҳолашнинг хилма-хил турлари қўлланилади;

-ўқув дастурининг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш, унга зарурий ва қўшимчалар киритиш.

Ушбу саккиз босқичли модел асосида касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнига тизимли ёндашув усулини қўллаш технологияси ишлаб чиқилди.

Бу ишлаб чиқилган технология қуйидагиларни амалга ошириш имконини беради:

- шу вақтга қадар мавжуд бўлган ўқув-услубий ишланмалар орасида бўлажак касбий таълим соҳалари бўйича муҳандис-педагоглар тайёрлашни такомиллаштиришга йўналтирилган ишларни таҳлил қилиш ва уларнинг ютуқларидан мазкур муаммо ечимини топишда фойдалана олиш;

- касбий таълим соҳалари йўналишлари ўқув режасидаги умумкасбий фанлар бўйича билимлар ва маълумотлар омбори тузиш ва улардан умумкасбий фанларини (“Материаллар қаршилиги, “Машина деталлари” ва бошқалар) ўқитишда фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш;

- умумкасбий фанларини ўқитишнинг ахборотлаштирилган ўқув муҳитини яратиш;

- умумкасбий фанларини ўқитишда ахборотлаштирилган таълим муҳитининг талабаларда шаклланадиган касбий педагогик хислатларга таъсирини аниқлаш ва башорат қилиш;

- ишлаб чиқилган тизимий ёндашув услубидан бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда фойдаланишга услубий тавсиялар тайёрлаш.

қўйилган масаланинг мақбул ечимини топиш учун дастлаб касбий таълим соҳалари йўналиши ўқув режасидаги умумкасбий фанларнинг узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари таҳлил қилиб чиқилди ва шу асосда умумкасбий фанлари туркумига кирувчи "Материаллар қаршилиги" курсидаги "Деформация жараёнларини" ҳамда “Механизмлар ва машиналар назарияси” курсида “Механизм тушунчасини” ўрганишга тизимий ёндашув методикаси ишлаб чиқилди.

п.ф. н., Ж. А. Ҳамидов,

Жиззах политехника институти, педагогика фанлари номзоди